INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE " INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION"



Munich, Germany

INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE " INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION"

Abstracts of VIII International Scientific and Practical Conference

1-part, 5-175 pages.

Collection of scientific articles published is the scientific and practical publication, which contains scientific articles of students, graduate students, Candidates and Doctors of Sciences, research workers. The articles contain the study, reflecting the processes and changes in the structure of modern science. The collection of scientific articles is for students, postgraduate students, doctoral candidates, teachers, researchers, practitioners and people interested in the trends of modern science development.

Homepage: https://academicsresearch.ru/index.php/iscitspe

25.09.2022

CONTENT

СЎЗ ЎЙИНЛАРИ – ЛИНГВИСТИК МУАММО СИФАТИДА **Дусматов Ҳикматулло Ҳаитбоевич**	**5**
ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲУРМАТ ИФОДАЛАШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ **Юсупова Сабоҳатхон Аъзамжоновна**	**10**
***“YEVROTURCOLOGIKA.UZ”* ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ** **Рашид ЗОҲИДОВ**	**15**
THE EFFECTIVENESS OF GAME-BASED LEARNING FOR TEACHING ENGLISH TO IPER (THE INSTITUTE OF PHARMACEUTICAL EDUCATION AND RESEARCH) PHARMACY STUDENTS **Shayakubov Shakabil Karimovich Yuldasheva Saodat Khalmurzayevna Yuldashev Sherzod Zairjanovich**	**20**
ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ТОЖИК ПОЭЗИЯСИДА ҒАЗАЛ ЖАНРИ **Меҳмон Нарзиқулов**	**33**
THE ROLE OF EDUCATIONAL APPS IN TEACHING LANGUAGES **Bekturdieva Guli Sodikjon kizi**	**40**
СТРУКТУРНО-КОМПОЗИЦИОННЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕКЛАМНОГО ТЕКСТА **Муминова Азиза Арслоновна**	**45**
"TUN PANJARALARI" QISSASIDA G'OYA VA SYUJET MUTANOSIBLIGI **Eshnazarov Anvarbek Adambayevich**	**50**
SELECTION OF THE OPTIMAL COMPOSITION OF FIBER CONCRETE BASED ON BASALT FIBERS AND ANALYSIS OF PHYSICAL MECHANICAL PROPERTIES **Ametov Rasul Nazirboyevich**	**57**
SELECTION OF FIBRACONTE COMPOSITION AND STUDY OF PROPERTIES **Ismailov Dilshad Jorakul ugli**	**66**
ИЗВЕСТКОВЫЙ СТРОИТЕЛЬНЫЙ РАСТВОР ДЛЯ ОТДЕЛКИ СТЕН ЗДАНИЙ ИЗ ГАЗОБЕТОНА **Азимов Бахтиёр Сарварович**	**73**
OF SOME DEFORMABLE BODIES MECHANICAL PROPERTIES **Turdaliyev Zafarjon Saddin ugli Abduraxmonov Avazbek Abdusaid ugli**	**80**
IBORA- TIL GAVHARI **Alimova Madina**	**86**
АНГЛИЯ ВА АМЕРИКА “УНИВЕРСИТЕТ” РОМАНЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ВА ИНСТИТУТ ТАСВИРИНИНГ БЕРИЛИШИ	**91**

Abdullayeva Nabiya Idrisovna	
TECHNICAL-TACTICAL ANALYSIS OF YOUTH OLYMPIC TAEKWONDO GAMES **Pulatov Laziz Azamat ugli**	**103**
YUQORI MUSTAHKAMLIKKA EGA BO‘LGAN OG‘IR BETON UCHUN SEMENT VA TO‘LDIRUVCHINING TAVSIFI **Botirov Bektosh Farhod o‘g‘li Botirova Nodira Sherali qizi**	**111**
ОЧИЛГАН КАНАЛЛАРНИ ҚАЙТА КЎМИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН РЕСУРСТЕЖАМКОР МАШИНАНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ **Р.Шералиев М.Х.Мамадалиев**	**118**
THE WAYS OF IMPROVING THE TECHNOLOGY INTEGRATION SKILLS **Marifjonova Mohinur Baxtiyorjon qizi**	**125**
THE IMPORTANCE OF SOCIAL ISSUES AT THE SAMARKAND SUMMIT OF THE SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION **Ziyadullaev Makhmudjon Jurakulovich**	**130**
МЕРОС УЛУШЛАРИНИНГ ОРТТИШИ ВА МЕРОС ҲИСОБИДАН ҚИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР (КРЕДИТОРЛАРНИНГ МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИНИНГ ҚАРЗЛАРИНИ УНДИРИБ ОЛИШИ) БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ **Шодмонова М.**	**135**
EUPHEMISM IN THE PRISM OF TEXT REALITY **Sobirova Mohira Farhodzhon kizi** **Alimov Timur Ermekovich**	**145**
ИЗУЧЕНИЕ ФОЛЬКЛОРНЫХ МАТЕРИАЛОВ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ **Каримова Карина Рустамовна**	**151**
MEHNAT FAOLIYATIDA XODIMLARNI BOSHQARISH VA RAGBATLANTIRISHNING OZIGA XOS XUSUSIYATLARI **Umurova Mohira Asqarboy qizi**	**158**
ЧАҚИҚТОШ АСОСИДАГИ ЯНГИ ТАРКИБЛИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ **Жуманов Илёс Боборажаб ўғли**	**164**
НОДИР НОРМАТОВ ҲИКОЛАРИДА ҚИШЛОҚ ПРОЗАСИ **Хуррият Худоймуродова**	**172**

“YEVROTURCOLOGIKA.UZ” ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.7046558

Рашид ЗОҲИДОВ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари доктори

Аннотация: Сўнгги йилларда халқимизнинг қадим тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимизнинг маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Эндиликда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Ушбу мақолада, “Yevroturcologika.uz” электрон платформасини яратиш муаммолари ҳақида фикр ва мулоҳазалар қилинади.

Калит сўзлар: Электрон платформа, муаммо, ечим, замонавийлик, тезкорлик, ишончли ахборот.

Дунёдаги ҳар бир халқ ўзининг ёзма тарихига эга. Бу тарихни ўрганишда ҳеч бир манба ёзма ёдгорликлардек батафсилликка даъво қилолмайди. Аждодларимиз ҳаётини бутун тафсилотларигача бағрига жойлаган қўлёзма манбалар ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприк. Инсоний тамаддун тарихида қадимий қўлёзмаларнинг аҳамияти шу даражада экан, бу бебаҳо маънавий меросга чинакам ворис бўлиш учун уларни чуқур ўрганиш, ўрганилганда ҳосил бўлган билимни оммалаштириш талаб қилинади. Айниқса, қадим қўлёзмаларимиз

хазиналарини бойитиш, хорижий давлатларнинг китоб фондларида сақланаётган, балки фанга номаълум бўлган маданий меросимиз намуналаридан иборат каталоглар тузиш, бундай ноёб манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш каби долзарб вазифалар турибди. Жумладан, кейинги йилларда қабул қилинган Ҳукумат қарорлари мазмунида ҳам жаҳон китоб фондларига сочилиб кетган, турли даврларга оид қадим туркий ва эски ўзбек ёзувидаги қўлёзма ва тошбосма адабий манбалар, тазкира ва баёзлар, бадиий-тарихий наср жанри билан боғлиқ тарихий ҳужжатларни тадқиқ қилиш ишини халқаро миқёсда олиб бориш уқтириляпти.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилиши мўлжалланган “Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва *“Yevroturcologika.uz*” электрон платформасини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа алоҳида аҳамиятга эгадир.

Лойиҳада илгари сурилган биринчи масала – Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган, Европа фондларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини тайёрлаш ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтидаги тил ва адабиётга оид 5000 дан ортиқ нусхага эга қўлёзмаларнинг ададий ва географик миқёсини кенгайтириш билан бирга муайян адабий муҳит, муайян адабий манба билан боғлиқ таҳлил-тадқиқотлар натижасини янги ва хилма-хил зарурий илмий маълумотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Иккинчи масала – *“Yevroturcologika.uz*” электрон платформасини яратиш бўлиб, бу биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий

контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 14 августдаги ВМҚ-625-сон Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга, хусусан, таълим тизимидаги илмий-техник муаммолар ечимига бағишланган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бажарилишини амалга оширишга, хусусан, соҳа йўналишида таълим олаётган авлодни том маънода етук мутахассис, яъни қадимий манбаларни аслият асосида тадқиқ қила оладиган салоҳиятли матншунос, манбашунос қилиб тарбиялашга, демак, Ўзбекистоннинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган мамлакат сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шунингдек, минг йиллик адабий меросимиз ҳақида тўла ва комплекс тасаввур берувчи *"Yevroturcologika.uz"* электрон платформасининг яратилиши ҳануз ўзбек филологиясида жиддий муаммо бўлиб келаётган мумтоз матнни концептуал англаш ва шарҳлаш масаласининг ижобий ҳал бўлишига кўмак беради, герменевтик тафаккур моделини тақдим этади. Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш жараёнида қўлга киритиладиган илмий натижалар келгусида ушбу йўналишда юзага чиқадиган илмий тадқиқотлар учун асос бўлади.

Лойиҳанинг мақсади маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид туркий қўлёзмаларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси — рақамли қомусини яратиш, уни мунтазам янгилаб бориш, чет эл фондларидаги туркий қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш, тегишли илмий марказлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориб, эришилган натижаларни илмий муомалага киритиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришдан иборат. Белгиланган мақсад қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

а) мамлакатимиз қўлёзма китоблар фондларидаги адабий манбалар тўла каталогининг шартли рўйхатини шакллантириш;

б) шакллантирилган каталог асосида Европа қадимий китоблар фондларидаги адабий манбаларни қиёсий ўрганиш;

г) Европа фондларидаги адабий манбаларни тизимли асосда хронологик, тематик тасниф қилиш, қўлёзма нусхаларининг ташқи ва ички хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг монографик илмий тавсифини тайёрлаш;

д) лойиҳа доирасида амалга оширилган тадқиқотнинг тезислар тўпламини ўзбек, рус, инглиз тилларида, шунингдек, уларга илова бўлган кўргазмали аудио ва видеоматериалларни тақдим этиш;

е) *"Yevroturcologika.uz"* электрон платформасининг туркий қўлёзма адабий манбалар тўла каталоги ва қомусий луғатини ўз ичига олган мультимедиа дастурий маҳсулотларини яратиш.

Лойиҳанинг илмий аҳамияти шундаки, хорижий фондлардаги туркий қўлёзмаларнинг илмий истифодага олиб киритилиши билан қадимий ва бой тарихга эга ўзбек тили ва адабиётининг теран илдизларини, мумтоз тафаккур оламида аждодларимиз кўтарилган чўққиларни бугун – XXI аср заминида реал ҳис қилиш имкони пайдо бўлади. Бу имкондан тўғри фойдаланган филолог бугунги ўзбек тили ва адабиётимиз ривожига оламшумул муваффақиятлар келтириши шубҳасиз. Мумтоз адабиётимизнинг бирламчи объекти ҳисобланган туркий қўлёзмаларни комплекс ўрганиш, ҳар бир адабий ҳодисани диахроник ва синхроник аспект қоришуви тамойили асосида ўргатиш ўзбек тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича ўқийдиган филологларни халқаро стандартга жавоб берувчи мукаммал мутахассис қилиб тайёрлашнинг бош омилидир. Шунингдек, юқорида таъкидланган вазифаларнинг амалга ошиши мумтоз адабий матнларни аслиятдан ўқиб, ҳар томонлама тушунадиган мутахассисларнинг пайдо бўлишига, фан ва амалиётнинг ўзаро ҳамкорлиги сифат жиҳатидан мустаҳкамланишига, матншуносликнинг замон талаблари даражасидаги системали яхлит назарияси ишлаб чиқилишига, матншуносликка

оид илмий тадқиқотларнинг халқаро даражада кенгайишига мотивация экани ҳам тақдим қилинаётган лойиҳанинг долзарблигини белгилайди. Онлайн платформада бериладиган маълумотлардан соҳа мутахассислари, хусусан, хорижлик тадқиқотчилар ва китобхонлар унумли фойдаланиши мумкин.